

Уралдаги «Имом Бухорий» масжиди ҳақида



11:54 / 16.08.2023 1019

Урал – Россиянинг йирик жўғрофий ҳудудларидан бири бўлиб, ҳудуднинг асосий қисмини шу номдаги тоғ тизмаси эгаллаган. Ушбу тоғлар Шимолий Муз океанидан Қозоғистоннинг шимоли-ғарбига қадар чўзилган. Мазкур минтақанинг энг йирик шаҳри (Свердловск вилояти маъмурий маркази) – Екатеринбургдан 14 км узоқликда жойлашган йўлдош шаҳарча – Юқори Пишма (Верхняя Пышма)да 2019 йил янги жомеъ масжиди барпо этилган бўлиб, унга машҳур юртдошимиз, муҳаддис олим «Имом Бухорий» номи берилган. Мазкур масжид мусулмонларнинг вилоятидаги энг йирик мажмуаси сифатида ўз бағрига 700 нафар намозхонни сиғдира олиши мумкин.

Масжид минораси (38 метр) ва гумбази (20 метр) ўзига хос ясси мис «ликопчалар» билан қопланган. Шу сабабли ҳам маҳаллий аҳоли орасида мазкур намозгоҳнинг «Медная мечеть» («Мис масжид») деган яна бир номи пайдо бўлган.

Туркиялик бунёдкорлар томонидан классик усулда барпо этилган масжиднинг қолган қисми оқ мармар ҳамда оч тусли гранит тошлари билан қопланган. Бинонинг ички тарафи, эшик ва дарвозалар Усманийлар

салтанати даврига оид нақшлар билан безатилган. Деворларга Қуръони Карим оятлари битилган, айнан Туркияда тайёрланган катта кошнлар ёпиштирилган. Дераза ромлари мозаика (рангли шишалар) услубида безатилган ойналар билан қопланган.

Маълумот ўрнида юқори Пишмада масжид қурилишидан аввал Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий мажмуасидан махсус капсулада бир сиқим тупроқ олиб келиниб, бўлажак намозгоҳнинг яқинидаги жойга кўмилган экан.

Бугунги кунда Россияда 20 миллиондан ортиқ (баъзи маълумотларга кўра 26 миллион) мусулмон бор. Москва ва Санкт-Петербург аҳолисининг ўн фоизини Ислom динига эътиқод қилувчилар ташкил этади. Бу борадаги энг катта кўрсаткич Ингушетияда – 98 фоиз. Чеченистон аҳолисининг 96 фоизи, Доғистон нуфусининг 94 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Юқори кўрсаткичли ҳудудлар орасида Кабардин-Булғор (70 фоиз), Қорачой-Черкас (54,6), Бошқирдистон (54,5) ва Татаристон (54) республикалари бор.

***Зиёдулла Ҳамидов тайёрлади
«Ҳилол» журналининг 4(49) сонидан олинди***



